O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2009 йил 7 февраль ШАНБА
№ 11 (12.126)

1928 йил 11 декабрда асос солинган ● Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ● Эркин нархда сотилади

www.th.uz

## ОЛИЙ СУД РАЁСАТИ ЙИҒИЛИШИ

**Ўзбекистон Республикаси Олий судида умумий юрисдикция судларининг 2008 йилда одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолияти ҳамда келгусидаги устувор вазифаларга бағишланган кенгайтирилган раёсат йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Олий суд судьялари, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоят ва унга тенглаштирилган судлар раислари иштирок этди.**

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси Б. Мустафоев бошқарган йиғилишда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш борасида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар ўз самараларини бераётгани таъкидланди. Тизимда амалга оширилаётган ишлар фуқароларнинг қонун билан муҳофаза этиладиган манфаатларини ҳимоя қилиш, ижтимоий адолат ва қонун устуворлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Йиғилишда ўтган йили айрим жиноят турлари, жумладан, қасддан баданга оғир ва ўртача оғир шикаст етказиш, ўғрилик, транспорт воситаларини олиб қочиш, безорилик, ҳаракат хавфсизлиги қоидаларини бузиш жинояти учун судланганлик ҳолатлари камайгани қайд этилди. Бундан ташқари, жиноят қонунчилигига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар ўз самарасини бераётгани алоҳида таъкидланди.

Раёсат йиғилишида судья ва суд ходимларининг масъулиятини, касб маҳорати ва малакасини янада ошириш борасидаги вазифаларга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Одил судловни амалга ошириш, адолатни қарор топтиришда қонуний ва адолатли суд қарорларининг қабул қилиниши суд ҳокимиятининг обрў-эътиборини юксалтирадиган, аҳолининг унга бўлган ишончини мустаҳкамлайдиган муҳим омил эканлиги алоҳида таъкидланди.

Йиғилишда кўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Норгул АБДУРАИМОВА,**
**ЎзА мухбири.**

*Мардлар қўриқлайди Ватанни!*








## ЙИГИТЛАР ХИЗМАТГА ОТЛАНИШДИ

**Дастлабки чақирилувчилар гуруҳини ҳарбий хизматни ўташ жойларига кузатиш маросими тантанали тус олди. Бу йил илк маротаба чақирув февраль-март ойларида ўтказилаяпти. Йигитлар шаҳар ва туман мудофаа ишлари бўлимларида жиддий танловдан ўтказилди. Уларнинг интеллектуал салоҳияти, жисмоний саломатлиги, руҳий тайёргарлиги синчиклаб текширилди.**

– Замонавий Қуролли Кучларга билимдон, қўйилган вазифаларга ҳар қандай шароитда дарҳол ягона тўғри ечим топа оладиган аскарлар зарур, – дейди вилоят чақирув комиссиясининг катта шифокори Ёқубжон Дарвишев. – Шу боис бирор шубҳа туғилса, йигитлар дарҳол такрорий текширувга қайтарилмоқда. Чунки, айрим белгилар хизмат жараёнида кучли намоён бўлиб, оғир асоратлар келтириб чиқариши мумкин. Йигитлар турли минтақаларда, чегара қўшинларида хизмат қилиш учун жўнатилаяпти. Табиийки, улар баланд тоғларда, чўлларда, кеча-кундуз хизмат қилишади. Бинобарин, улар ҳар жиҳатдан соғлом бўлишлари лозим.Йиғув манзилида чақирилувчиларга ҳарбий уст-бошлар кийдирилди. Кузатишга келган ота-оналар фарзандларини таниёлмай қолишди. Шу ернинг ўзида йигитларга топширилган "Ҳарбий хизматчи эсдалиги"да ёш аскарлар ўзлари учун фойдали ҳамма нарсаларни ўрганиб оладилар. Унда таомномалардан тортиб, турли қуролларнинг тавсифномаларигача ўқиш мумкин.

– Мен хизматга пухта тайёрландим, – дейди Бўстонлиқ туманидан чақирилган Алишер Назаров. – Айнан чегара қўшинларида хизмат қилишни истардим. Шу боис тоғларда юришни машқ қилдим, спорт билан шуғулландим. Мана, мақсадимга ҳам етдим. Хизматни аъло ўтаб, кейин олий ўқув юртида билим олмоқчиман.

Сафланишга буйруқ берилгач, тантанали митинг бошланди. Қуролли Кучлар фахрийлари, ҳарбий хизматчилар қисмларга жўнаб кетаётган ёшларни табриклаб, муваффақият тилашди.

– Биз офицерлар билан суҳбатлашдик, – деди ўғли Зоҳидни армияга кузатаётган Эргаш Хайриддинов. – Хизматдан ўғлимиз чиниқиб, бақувватлашиб, чинакам йигит бўлиб қайтишига ишонамиз.

Кузатув маросимида вилоят ҳокимининг ўринбосари Содиқ Абдуллаев иштирок этди.

**СУРАТЛАРДА:** чақирилувчиларни тантанали кузатиш маросимидан лавҳалар.

**Еркебой БОТИРОВ**
**олган суратлар.**

*Боғдорчилик*

## БОҒБОНГА ЯНГИ НАВЛАР КЕРАК

**Халқаро биохилмахиллик ва глобал экологик жамғарманинг Марказий Осиёда агрохилмахиллик, мевали экинлар ва уларнинг ёввойи ҳолда ўсувчи аждодларини сақлашга доир лойиҳасини амалга оширишда вилоятимизда фаолият юритаётган Ўзбекистон ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институти, Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти олимлари фаол иштирок этмоқдалар.**

Беш йилга мўлжалланган мазкур лойиҳанинг мақсади халқ селекцияси йўли билан яратилган мевали дарахтларнинг ёввойи аждодларини тадқиқ этиш орқали аҳамиятга молик коллекция тузиш ва уларнинг инсон саломатлигига фойдали жиҳатларини аниқлашдан иборатдир. Бу тадқиқотлар ўз навбатида, қишлоқ хўжалиги, хусусан боғдорчилик илмини ривожлантириш ва турли нав мевалар етиштиришни кўпайтиришга хизмат қилади.

Олимларнинг фикрича, неча йиллар давомида табиий ва сунъий танлаш асосида яратилган маҳаллий мева навлари бугунги кунга келиб анча такомиллашмоқда. Изланишлар мобайнида диёримизда масалан, ўрикнинг 100 дан ортиқ тури ўсиши маълум бўлди. Булар орасида "Сариқ ўрик", "Оқ ўрик", "Ялтироқ ўрик", "Мой ўрик", навлари юқори ҳосилдорлиги ва мазаси билан ажралиб туради. Институт мутахассислари янги аниқланган ёввойи мева навларининг келиб чиқиш ва ривожланиш босқичларини ўрганиш асносида уларни кўпайтириш борасидаги муҳим тажрибаларни бошлаб юбордилар.

**Алишер РАҲМАТОВ.**

*Яна тўловлар ҳақида*

## ЭШИКНИ ҚУЛФЛА, НАЗОРАТЧИ КЕЛАЯПТИ

**Кундалик турмушимизда ҳар нарсанинг ўз ўрни ва қиймати бор. Шу боис дўконларда ҳам, бозорларда ҳам ҳеч бир буюм текинга берилмайди. Лекин, афсуски, коммунал хизматлар соҳасидаги муносабатларда ана шу ақидага ҳамиша ҳам амал қилинмаяпти.**

Айрим фуқаролар коммунал хизматларнинг ҳам ўз ўлчови ва меъёри борлигини, уларнинг ҳақини вақтида тўлаш зарурлигини ҳамон тушуниб етмаяптилар. Бу эса, коммунал хизмат кўрсатиш тизимининг издан чиқишига сабаб бўлмоқда. Биз хусусан, Чирчиқ шаҳридаги "Ҳаёт гули" маҳалласида ана шундай ҳолатларга гувоҳ бўлдик.

Ҳозир бу маҳалланинг аҳолиси 2 минг кишидан ошди. Уларнинг 175 нафари кўп қаватли уйларда истиқомат қилади. Ачинарлиси шундаки, маҳалла аҳлининг газ бўйича қарздорлиги ошса ошаяптики, камайишидан дарак йўқ.

Надежда Қуртназарова Еделькина кўчаси, 56-уйда яшайди. Унинг қарзи 188 минг сўмга яқинлашиб қолган бўлишига қарамай, тўлашни хаёлига ҳам келтираётгани йўқ. Буни қарангки, у охирги марта 2007 йилнинг бошида газ учун пул тўлаган экан.

Ал-Бухорий кўчаси, 12-1 хонадонда яшовчи Зуҳра Дадабоеванинг қарзи салкам ярим миллион сўмга етиб қолган. У ҳам 2007 йилнинг июль ойида охирги марта газдан қарздорлиги ҳақида ўйлаб кўрган. Ажабо, бу аёл газ ҳақини вақтида тўлашдан кўра, назоратчилардан қочиб, улар кўзини шамғалат қилишни маъқул кўрар экан.

Биз бундай қарздор истеъмолчиларни бирма-бир таништириш фикридан йироқмиз. Қолаверса, бунинг иложи ҳам йўқ. Чунки рўйхатнинг охири кўринмайди. Бизнинг асосий мақсадимиз маҳаллада коммунал қарздорлик нега бу даражада илдиз отиб кетганлигини аниқлашдир.

– Аслини олганда идорамиз истеъмолчиларга фақат газ етказиб бериш билан шуғулланиши керак. Фуқаролар эса, ўз навбатида газ истеъмоли учун пулни вақтида тўлаб боришлари шарт, – деди ҳududнинг газ назоратчиси Нодира Акромова. – Лекин, баъзилар газ халқ бойлиги, давлат мулки эканлиги, унинг ҳисоб-китоби борлигини тушуниб етишмаяпти. Маҳалладаги қарздор хонадон эгаларини умуман топиб бўлмайди. Уйида бўлса ҳам, эшикни очишмайди. Менинг ҳисоблагичим борми, у соз ҳолатдами, давлат назоратидан ўтказиш керакми, деб ўйлаб ҳам кўришмаяпти. Аҳвол шу бўлгандан кейин...

(Давоми 2-бетда).

*9 февраль – Алишер Навоий таваллуд топган кун*



## БУЮК СИЙМОЛАР БОЛАЛАР ТАЛҚИНИДА

**Мактабнинг йиғилишлар зали қуйи ва юқори синф ўқувчилари билан тўла. Ҳамма ҳаяжонда. Залнинг юқори қисмида мўъжазгина саҳна. Ўзига яраша безаклари ўтмишни эслатади.**

Парда очилади. Саҳнада – шеърият оламининг султони Мир Алишер Навоий ва унинг севгилиси – Гули. Уларнинг қиёфаларидан нур ёғилади. Тилларидан бол томади. Инсоний меҳр-муҳаббатга лиммо-лим самимий суҳбатлари кўнгилларни сув қилиб эритади.

Парда ёпилади. Зал гулдурос қарсагу олқишларга тўлади. Парда қайта очилгач, саҳнада ғазалхонлик бошланади...

Қибрай туманидаги 2-ўрта умумтаълим мактабида ташкил этилган навоийхонлик кечаси ана шундай завқли ўтди. Ўқувчилар ижросидаги махсус адабий-бадиий дастур ҳаммага манзур бўлиб, илиқ таассурот қолдирди.

– Ўқувчиларимиз бу тантанали тадбирга нафақат катта қизиқиш, балки зўр ҳаяжон билан тайёргарлик кўришди, – дейди синф раҳбари, она тили ва адабиёт ўқитувчиси Гулноза Худоёрова. – Навоийхонликка бобурхонлик ҳам уланиб кетди. Бу буюк аждодимизнинг ҳаёти ва ижодий фаолиятини акс эттирувчи саҳна кўринишлари намойиш этилди.

**СУРАТДА:** саҳна кўринишидан лавҳа.

**Даврон АҲМАД**
**олган сурат.**

## ШЕЪРЛАРИ ТУФАЙЛИ ЯНАДА БОЙИГАН ДРАМА

**Ўтган асрнинг тўқсонинчи йиллари бошларида ёзувчиларнинг Дўрмондаги ижод боғида Зулфия, Асқад Мухтор, Одил Ёқубов, Пиримқул Қодиров сингари таниқли адиблар ижод қиларди. Ишхона ортида Уйғун аканинг дала ҳовлиси бўлиб, у одатда мухлислар, шогирдлар ила тўларди. Уйғун домла шууримизда сўзга чечан, саксон ёшида ҳам тетиккина, ҳамиша қувноқ инсон сифатида муҳрланиб қолган.**

Ёзнинг чилласи, кечки салқинда Уйғун ака биз турадиган меҳмонхона олдига келарди. Қўша-қўша узунчоқ курсиларга тизилишиб ўтирардик. Чувиллаб, донгдор шоирни гапга солардик. Уйғун ака ўзига хос лутф билан жиндек ҳазил қилиб олиб, Ҳамид Олимжон билан мана шу боғда ўтказган дамларини эсларди, Чўлпон, Абдулла Қодирий, Усмон Носир ҳаётидан гапирарди. Бир гал "Алишер Навоий" драмасини қандай ёзгансизлар, айтиб беринг" деб туриб олдик.

– Ҳа, энди илҳом келганда бир ёзиб ташлаганмиз-да! – деди шоир керилиб. – У ёғини Иззатилло Маҳсумдан сўранглар. Яқинда у ҳам боққа чиқадиган.

Уйғун ака қадрдони, ҳамқаламн Иззат Султонни эъзозлаб "Иззатилло Маҳсум" дер экан.

Интиқ бўлиб Иззат Султон домлани кута бошладик.

Ниҳоят, домла каттакон юк халталарини кўтариб, Дўрмон боғига кириб келдилар. Иззат домла Уйғун аканинг тескариси экан. Сипо, оғирбосиқ, бир гапни айтишдан олдин тамшаниб, андак ўйланиб олар, лўнда, ифодали гапирар эди. Саволимизни эшитиб, домла жилмайди.

– Шоирнинг ўзи айтмадими драма қандай ислоҳ бўлганини?

– У киши бизни сизга йўлладилар.

– Дуруст, – деди домла, – унда сизлардан илтимос, ўша драмадаги шеърлардан ўқиб беринглар-чи.

Биз дарҳол талабалик давридан ёдимизда қолган шеърий парчаларни ўқий бошладик.

*– Куй, ғазал, о, қайтадан тирнар ярамни,*
*Тағин эслатди ул машъум ҳарамни...*
*– Гоҳи Ширин, гоҳи Лайли бўлиб сен*
*Яшарсен доимо достонларимда,*
*Хазонсиз гул бўлиб бўстонларимда!..*
*– Яна кўз ёшими? Кўнглимни бузма,*
*Бу ғам дарёсида беҳуда сузма!*
*Бу дарё хавфлидур, ғарқ айлагай бот,*
*Ҳайҳот! Ҳайҳот!..*

(Давоми 4-бетда).

## Вилоят ҳаёти

### ҲАМ УЧРАШУВ, ҲАМ ТОМОША

**Қибрай агротижорат касб-ҳунар коллежида республика ёш томошабинлар театрининг бир гуруҳ санъаткорлари билан учрашув бўлиб ўтди.**

Кечада театр ижодкорлари ўқувчилар эътиборига ёзувчи Тоҳир Маликнинг "Алвидо, болалик" асари асосида саҳналаштирилган "Заҳарли томчилар" спектаклини намойиш этишди.

– Соғлом турмуш тарзи ва соғлом оилани шакллантириш, гиёҳвандлик ва ичкиликбозликка қарши курашиш, ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини ўстириш ҳамда комил инсон бўлиб тарбия топишларида бундай саҳна асарларининг аҳамияти каттадир, – дейди коллеж ўқитувчиси Хайрулла Холтўраев. – Театр ижодкорларининг коллежимизга ташрифи ана шу жиҳатдан фойдали бўлди.

### "САХИЙ-СЕРВИС" МАҲСУЛОТЛАРИ

**Бўстонлиқ тумани "Бўстон" маҳалласидаги "Сахий-Сервис" хусусий корхонасига нон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган минитехнология ўрнатилгач, ишлаб чиқариш ҳажми икки баравар ошди.**

Корхона директори Рустам Тўрахўжаевнинг эътироф этишича, ҳар йили пойтахтдаги "Ўзэкспомарказ"да ўтказилаётган кўргазмалар фермерлик ва тадбиркорлик соҳасига янги техника ва технологияларнинг кириб келишига кенг имкониятлар яратди. Айни вақтда "Сахий-Сервис" корхонаси кунига 5 минг дона сифатли буханка нон ҳамда 2,5 тонна қандолат маҳсулотлари тайёрлаб, буюртмачиларга етказиб бераяпти.

**Мунаввара РАЖАББОЙ қизи.**

### ҚИШЛОҚ РИВОЖИ – ЮРТ РИВОЖИ

**Оққўрғон туманида "2009 йил – Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили. Моҳият, мазмун, мақсад" мавзуида тадбир бўлиб ўтди. Уни Маънавият тарғибот маркази вилоят бўлими ҳамда Тошкент давлат юридик институти ҳамкорликда ташкил этди.**

Туман ҳокимлиги, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, хотин-қизлар қўмитаси, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллари, касб-ҳунар коллежлари талабалари ва ўқувчилар иштирок этган тадбирда Президентимиз Ислом Каримовнинг "Юксак маънавият – енгилмас куч" китобида билдирилган фикр ва мулоҳазаларнинг бугунги кунда қандай долзарб аҳамият касб этаётгани ҳақида сўз борди.

**Л. СУВОНОВ,**
**ЎзА мухбири.**

2009 обуна йил учун давом этмоқда
«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» газетасининг индекси – 205.

